

Иблис бор экан, ўзимга ишонмайман



16:06 / 06.11.2018 3925

Абу Хурайра розияллоху анху сажда қила туриб, зино, ўғрилик, куфр келтириш ва бошқа гуноҳи кабиралардан паноҳ сўрардилар. Абу Хурайра розияллоху анҳудек буюк зотнинг ўта тақводор ва парҳезкор эканликларидан хабардор бўлганлар бу ҳолатдан ажабланиб, ул зотга: “Шу гуноҳларни қилиб қўяман, деб ўйлайсизми?” дейишди. Абу Хурайра розияллоху анху: “Модомики иблис тирик экан, ўзимга ишонмайман. Қалбларни бурувчи Зот хоҳлаган томонга бура олади”, деб жавоб қилибдилар.

Ажалим чопқир отдан ҳам яқинроқ

Абу Мусо Ашъарий розияллоху анху вафотларидан олдин ибодатга қаттиқ бел боғладилар. У кишига: “Ўзингизни бунча қийнамасангиз?”, дейишди. Абу Мусо Ашъарий розияллоху анху: “Чопқир от маррага яқинлашганида

бор кучини сарфлаб югуради, менинг ажалим эса ундан ҳам яқинроқ”, деб жавоб бердилар.

“Солиҳлар гулшани” китобидан